Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
## к договору (контракту) от 21.11.2022 г. № 1
## между Хива Нодирабегим сервис оилавий корхонаси и Янгиарик туман МТБ (Марказлашган) на общую сумму 162839408,00

Глава 251

Казначейский лицевой счёт 100022860332337091100251018

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | 162 839 408,00 | | | 162 839 408,00 |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **162 839 408,00** | | | **162 839 408,00** |

Всего 162839408,00 сум Сто шестьдесят два миллиона восемьсот тридцать девять тысяч четыреста восемь сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 48851822,40 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _ноябрь_ мес. 2022_ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до ____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Д.Болтаев

(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Д.Болтаев

(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ______________ 20___ г.

«___» ______________ 20___ г.

№ 1 -сонли

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Янгириак шахарчаси "21" "ноябр" 2022 йил

Кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритиладиган **Янгиарик туман мактабгача таълим бўлими** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи рахбар **Д.Болтаев** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"Хива Нодирабегим Сервис" Оилавий Корхонаси** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи **Р.Ёкубов** иккинчи томондан, **Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига карашли 1-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари** бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади;

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўгрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўгрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўгрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**-курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

**-вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чикиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига карашли 1-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари** бўйича кўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **162 839 408** (Бир юз олтмиш икки миллион саккиз юз ўттиз тўккиз минг тўрт юз саккиз ) сўмни ташкил этади. **ҚҚС –21 239 922** сўм **78 тийинни** ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортик мудлатга ўзгартирилганда.

3.3 Қурилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

- курилиш таваккалчиликларини суғурта килиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

- курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

- курилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўгрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини биортмачига такдим килади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлик хажмда такдим килади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

5.2 Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.
6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.
6.3 Объектни **2022 йил** «21» ноябр дан жорий таъмирлаш ишлари бошланиб **2022 йил** « 10 » декабр **га** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

7.1 Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» килинади.
7.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % (фоизи) микдорида аванс ўтказади, бу **48 851 822,4** (Қирк саккиз миллион саккиз юз эллик бир минг саккиз юз йигирма икки сўм, кирк тийинни ташкил этади.
7.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблағлар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
7.4 Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
7.5 Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, мехнатга хак тўлаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.
7.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тўгрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўгрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.
7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўгрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос бўлади.
7.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1 Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.
8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.
8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.
8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
8.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.
8.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.7 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.
9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.
9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР.

10.1 Пудратчи;
- барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат иичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

11.1 Буюртмачи:
- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

11.2 Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

11.3 Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.
11.4 Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
11.5 Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII . ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

12.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат курилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан кабул килиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик қоидаларига келишилган ишларни бажариш вактида атроф мухитнинг тозалиги мехнат мухофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чикади ва бунга амал килади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз кучлари билан бажарилиши хамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга кадар мазкур шарнома бўйича объектга мулк хуқукини ўзида сақлаб колади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга кадар объектни тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» ўзининг томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофик бўлиши хамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» келишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз холда бўлган деб топилса «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тўлайди. «Пудратчи» бу шартномада кўрсатилган курилиш таъмирлаш ишларини кабул килиш коммиссиясига лойиха хужжатлари асосида ишини сифатли бажарган холда топширади.

12.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, курилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблаги беради. Белгиланган ишларни якунланган деб топилиб комиссия оркали кабул килинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» курилиш майдонида ўз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофик текширади.

12.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни кабул килиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар хаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида таклим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда таклим этилган холларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда курилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги

лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

12.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар хакини ўз вактида тўламаган такдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

12.6 Шартномада бошка тартиб назарда тутилмаган бўлса, хўжалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармганлик учун "Хужалик юрутувчи суъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги конунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат килишлари мумкин.

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

14.2 Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тўгрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга кадар амал килади.

14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

14.10 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## XV. КОРРУПЦИЯГА КАРШИ ТАЛАБЛАР

15.1.Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

15.2. "Пудратчи" "Буюртмачи"га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, "Пудратчи" нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя килади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| «ПУДРАТЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **"Хива Нодирабегим Сервис" Онлавий Корхонаси** | **Янгиарик туман мактабгача таълим бўлими** |
| Адрес: Хива туман Окёп кишлоғи | Адрес: __ Янгиарик тумани Остона кишлоги Чакир МФЙ__ |
| Тел./факс | Тел./факс ________ |
| Шх/р: _20208000604975639001_ | Х/р: __10002286033233709 1100251018 |
| ИНН: 302293924 | ИНН: 305155024 |
| МФО:00580 | МФО: 00014 |
| Банк:Ипотекабанк Тинчлик ф | Банк: _ Марказий банк Тошкент шахар__<br>Молия Вазирлиги ягона ғазна хисоб вараги<br>х/р: 23402000300100001010 МФО: 00 014<br>ИНН: 201 122 919 |
| Рахбар: ________ Р.Ёкубов<br>(Ф.И.Ш) | Рахбар: ________ Д.Болтаев<br>(Ф.И.Ш) |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XIVA TUMANI "NODIRABEGIM SERVIS" ONLAVIY KORXONASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI YANGIARIQ TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI

**Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 1-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш**

**Г Р А Ф И Г И .**

| № | Объектнинг номланиши | Ўлчов бирлиги | Микдори | Сўм | I - чорак | | | II - чорак | | | III - чорак | | | IV - чорак | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Январ | Феврал | Март | Апрел | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябр | Октябр | Ноябр | Декабр |
| 1 | **Хоразм вилояти Янгиарик туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 1-сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш** | Объект | 1 | **162 839 408** | | | | | | | | | | | **162 839 408** | |
| X | **Жами:** | **X** | **1** | **162 839 408** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | **0** | 0 | **162 839 408** | 0 |

**«БУЮРТМАЧИ»**

Рахбар: ____________________

**«ПУДРАТЧИ»**

Рахбар: ____________________

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

TW2187145052

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "YANGIARIQ TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI tomonidan 18.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

| | |
|---|---|
| **Yangiariq tuman yuridik markazi markaz rahbari:** | **U.A.NAVRUZOV**<br>18.11.2022 |